

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 25-iyul • Shanba • 88 (30.049) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, янгиланишларни бутун дунё тан олиб, эътироф этмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.



## «Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимидаги яккагон хонандалар ўртасидаги республика якуний босқичи бўлиб ўтди.

## КЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

ловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори жонагон Ўзбекистонимизга бўлган чексиз меҳримизни изҳор этиш, гўзал Ватанимиз мадҳини юксак пардаларда тарангум этиш, халқимиз, айниқса, ёшлар қалбини даватпарварлик, фидойилик, юрт тақдирини унутмаслик каби олижаноб туйғуларни камол топтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда ушбу танлов турли ижодий ташкилотларда, вазирилик ва идоралар, таълим масканларида юксак ва кўтаринки руҳда ўтаётир.

Кўрик-танловнинг «Ўзбекнаво» тизимидаги босқичида уч мингдан ортиқ хонанда иштирок этиб, улардан қирқ саккиз нафари якуний республика босқичида ўз маҳоратини намойиш этди.

Биринчи ўринга Тошкент шаҳридан Гулзода Худойназарова Ўзбекистон халқ шoirи Маҳмуд Тоир шеъри,

Бахрулло Лутфуллаев мусиқаси билан айтувчи «Муқаддас Ватан» кўшиғи учун сазовор бўлди.

Иккинчи ўринга наманганлик Малика Эгамбердиева «Ўзбекистон» кўшиғи учун, бухоролик хонанда Субҳон Зойиров «Азиз Ватаним» кўшиғи учун, самарқандлик Хуршид Гадолев «Ватан тинч — биз тинч» кўшиғи учун, учинчи ўринга

қорақалпоғистонлик Муҳаббат Душанова «Онажоним менинг Ўзбекистон» кўшиғи учун, сирдарёлик Озода Абдуғафорова «Пойтахтим — жоним шаҳрим», навойлик Рушана Асимова «Ўзбек элим» кўшиғи учун, тошкентлик Зоя Цой «Кўз қароғим — Ватан» кўшиғи учун лойиқ топилди.

Навокат Усмонова, ЎЗА мухбири.



Муҳаммад АМИН олган суратлар.

## ХОРИЖЛИКЛАР ЮРТИМИЗ ҲАҚИДА

Кларк Плексико, Миллий демократия институти вакили (АҚШ):

— Ўзбекистонни демократик янгиланиш йўналишида ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар мени ҳайратга солди. Ушбу тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатнинг кўплаб ютуқларга эришди.

Антон Финько, Киев сиёсий тадқиқотлар ва конфликтология марказининг етакчи эксперти (Украина):

— Ўзбекистонда сиёсий тизимнинг динамика ривожланиш жараёни кузатишда. Сиёсий партияларнинг ролини ошириш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Профессинал парламентга, пухта ташкил этилган кўп партияли тизимга ўтиш билан боғлиқ ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Ричард Глауб, АҚШ Миллий демократия институтининг Ўзбекистондаги вакили:

— Сиёсий партиялар ривожланишидаги ижобий ҳолатларни эътироф этишнинг айна вақти, деб ўйлайман. Ўзбекистон модели сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиши мумкин.

Жан Дирк Блау, Европа Кенгаши, Фарбий Европа иттифоқи Ассамблеялари аъзоси, сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича консултант:

— Мамлакатингизда бир неча яхши шакланган партиялар фаолият юритади. Сайловлар жараёнида фуқароларнинг ҳам, сиёсий партияларнинг ҳам фаол иштирок этиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник асослар ва воситалар яратилгандир.



«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори А.Хайдаров Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадрларимиз, аъёна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, қалби ва он-

гига она юртга муҳаббат, миллий истиқлол гоялирига садоқат туйғуларини чуқур синдириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-тан-

## Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда ЁШ МАТЕМАТИКЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистонлик ўқувчи-ёшлар 10-22 июль кунлари Германиянинг Бремен шаҳрида бўлиб ўтган математика бўйича 50-халқаро олимпиадада битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритди.



Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликда бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларга пухта билим бериш, уларни миллий кадрларимизга хурмат ва эътиром руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ўғил-қизларга билим беришни сифат ва мазмун жиҳатдан янги, янада юксак поғонага олиб чиқиш имконини бермоқда. Соҳага кўрсатилган эътибор натижасида ўқувчи-ёшлар барча фанлардан чуқур билимга эга бўлиш ба-

робарида халқаро миқёсда ўтказилаётган олимпиадаларда, интеллектуал беллашувларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Германияда ўтказилган математика фани бўйича ўқувчи-ёшларнинг халқаро олимпиадасида жаҳоннинг 104 давлатидан олти юз нафардан зиёд ўқувчи иштирок этди.

Самарқанд иқтисодий ва сервис институти қошидаги академик лицей ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дибра Салимова кумуш, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-иқтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари Аббор Пирнафасов ва Азизхон Назаров бронза медалларига, Самарқанд иқтисодий ва сервис

институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Иброҳимбек Акрамов фахрий дипломга сазовор бўлди.

Мамлакатимиз ўқувчилари мазкур халқаро интеллектуал беллашувда 1997 йилдан буён совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. — Юртимизда ёшларнинг билим олиши, ўз иқтисодини намойиш этиши, қизиқиши ва ижодий салоҳиятини янада ривожлантириши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган, — дейди Д.Салимова. — Буларнинг барчаси биз, ёшларни янада фаолроқ ва изланувчан бўлишга, яратилган шароитнинг кадрига етишга, билдирилган юксак ишонччи оқлашга ундайди.

Навокат Усмонова, ЎЗА мухбири.

## Тадбир ХАЛҚАРО АЭРОКОСМИК МАКТАБ МАШҒУЛОТИ

24 июль — 4 август кунлари бир гуруҳ ўқувчи ёшлар Тошкент вилояти, Паркент тумани, Невизи қишлоғидаги «Қизил Соғ» оромгоҳида Халқаро Ёшлар аэрокосмик мактабининг навбатдаги машғулотида қатнашди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мажлис залида XXI Халқаро ёшлар аэрокосмик мактабининг навбатдаги машғулотини очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир Халқаро ёшлар аэрокосмик жамғармаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Соглом авлод учун», «Меҳр ва мурувват», республика «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармалари ҳомилийида ташкил қилинди.

(Давоми 4-бетда)

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси изчил таъминланаётгани таъкидланди. Айниқса, мулк ҳуқуқи билан боғлиқ жараён тубдан ўзгарди. Мулк ҳуқуқи дахлсизлиги кафолати яратилди. Жумладан, Конституцияимизнинг 53-моддасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.

Мулк ва мулкчиликка бўлган янги муносабат бозор ислохотларини муваффақиятли амалга оширишга кенг йўл очди. Бу, ўз навбатида, хорижий давлатлар билан ўзаро тенг иқтисодий муносабатлар мустаҳкамланишига замин яратди. Бундай омиллар юртимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалиши ва Ўзбекистоннинг қудратли давлатлар сафидан жой олишига хизмат қилмоқда.

Иқтисодиёт ривожлангани сари, табиийки, соҳада айрим жиноятлар ҳам учрайди. Суд амалиётидан маълумки, иқтисодий соҳада руй бераётган жиноятлар кўп қирраллиги, қўламлиги, мураккаблиги ва ижтимоий хавфлиги билан бошқа жиноятлардан фарқ қилади. Хусусан, жамиятда мулкни талон-торож қилишнинг турлича шакллари учрамоқда. Бунинг устига жиноятчиларнинг ўз жиноий фаолиятига давлат идоралари, банклар, сугурта компанияларининг мансабдор шахсларини жалб қилишга уринаётгани ҳам иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч



Давлат ҚАҲҚОРОВ олган сурат.

## «БИЗНИ ПАРТИЯМИЗ ҲОЯЛАРИ БИРЛАШТИРАДИ»


Шубҳасиз, бошланғич ташкилот сиёсий партиянинг асосий таянчидир. Қуйи бўғинсиз сиёсий куч электорат, кенг жамоатчилик орасига кириб бора олмайди, таърифдорларини кўпайтиролмайди, қўллаб-қувватловчилари билан яқин алоқада ишлаб-майдди. Демак, кучли сиёсий партия бўлиш учун

аввало кучли бошланғич ташкилотларга эга бўлиш талаб этилади. «Мерседес бенц» автобусларига хизмат кўрсатиш маркази» шўба корхонасидаги бошланғич ташкилот Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг нафақат Юнусобод тумани, балки Тошкент шаҳрида ҳам энг фаол, ташаббускор қуйи бўғини ҳисобланади. Унинг атрофида бугунги кунда йигирма нафарга яқин фаоллар бирлашган.

— 1996 йилда ташкил

этилган марказимизда бугунги кунда етмиш нафардан ортиқ киши меҳнат қилади, — дейди корхона раҳбари, ЎЗХДП фаоли Абдурашид Мирғиязов. — Аксарияти ўттиз ёшгача бўлган йигит-қизлар. Ёш мутахассисларимизнинг бир гуруҳи Германия, бир гуруҳи Туркияда автобусларга хизмат кўрсатиш соҳасида таълим олиб, малакасини ошириб келди. Биз автобусларга, автобуслар эса ҳар кун одамларга хизмат кўрсатади.


(Давоми 2-бетда)



## СУВОМБОРИ ҚЎРҒОНЧАСИДА


ҳам мактаб, ҳам коллеж куриб битказилди

2




## «ҚИЛ УСТИДАГИ 40 ДАҚИҚА...»

3



## ТАХТАПУЛ — ЕҒОЧ КЎПРИК

4



Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаёти

ОДАМЛАР БИР-БИРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАСА юртда барака, элда тўкин-сочинлик бўлади

Бундай ўйлаб қарасам, матбуотда ишлаган ўлттиз йил орасида кўплаб ажойиб инсонлар билан учрашган, уларнинг ибратли, маслаҳатларидан баҳраманд бўлган эканман. Шулардан бири — Қарши шаҳридаги Роғузар маҳалласи оқсоқоли Ғайбулло ҳожи Отабоев. У кўпчиликнинг хоҳишига кўра, ўн йилдирки маҳалла фуқаролар йиғини раислигига қайта-қайта сайланган. Қордай оппоқ соқоли ўзига ярашган. Ҳамон ғайрат-шижоати жўш уриб, юзига кулгу ишиб туради. Ҳар кун велосипедда маҳаллани бир айланиб келмаса, кўнгли жойига тушмайди.

Бу гал йўқлаб борганимда, партиямиз, унинг ғоялари, фалоллар томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида сўхбатлашдик. Қашқадарё, унинг бир сўзли одамлари, воҳанинг муҳим иқтисодий, саноят ва фан-маданият маркази бўлган Қарши шаҳри ҳаётига бир қур назар ташладик. Оқсоқол бугун партиямизнинг обрў-этиборини янада мустаҳкамлаш, Дастуриимизда илгари сурилган ғояларни амалга ошириш масалаларида фикр юритар экан, тарафдорларни кўпайтириш учун аввало одамларнинг оғирини енгил қиладиган ташаббуслар билан кўпроқ чиқиш зарурлигини таъкидлади. Унибўсиб келатган ёшларга ибрат кўрсатиш — уларни ортимиздан эргаштиришнинг асосий омилли эканини уқитди. Бундай тажриба амалда ўз самарасини бераётгани сабабли Қарши шаҳрида партиямиз сафига кириш истагини билдирётган ёшлар кўплигини эслатиб ўтди.

ЎзХДП Қарши шаҳар ташкилотини қарийб уч минг аъзони бирлаштиради. Агар ўтган йили 275 янги аъзо қабул қилинган бўлса, уларнинг деярли барчаси ёшлар. Ана шу ёшлардан айримлари билан сўхбатлашдик.

— Оилада тўрт фарзандимиз, — дейди Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали талабаси Наби Бомиров. — Онам тикувчи. Рўзгор учун ташвиш чеккани-чеккан. Ҳадемай, университетни ботириб, мустақил бир ишининг бошини тутаман. Халқ демократик партияси эса айнан бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қилади. Ўз

Дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қатъий билан курашмоқда. Кўпгина тенгдошларим ҳам шу фикрда. Шуларни ҳисобга олиб ЎзХДП сафига киришга қарор қилдим. — Қарши давлат университетининг тарих бўлимини битирганман, — дейди политехника коллежи ўқитувчиси Лазиз Холлов. — Ёшим ўттиз иккида. Бир жаҳиятда яшаб, унинг воқеа-ҳодисаларидан четда туриш мумкин эмас.

ХДПга ҳам Дастурини, мақсад ва ғояларини роса ўргатган, яқинда аъзо бўлдим. Унинг сафига эл-юрт учун қайғурадиган кишилар жуда кўп.

Мен яшайдиган «Самарқанд» маҳалласи оқсоқолигига ўтган йил охирида Рустам Очилов сайланди. ХДП аъзоси бўлгани учун эмас, одамлар уни ўз оила аъзосидай кўрган, ташкилотчилиги, жонқурлигини амалда сингани, ҳурмат қилгани учун шу кишини кўлади. Рустам ақанинг ҳаётини позицияси маҳалладошларга маъқул келди. Ана шундай одамлар ортидан эргашини хоҳлайман...

Бу ёшларнинг партияга муносабати бир-бирига ҳамоҳанг. Қашқадарё вилоят ҳокимлигиндан бўлиб келган маълумотномага қараганда, вилоятда мавжуд қишлоқ, шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислигига сайланганларнинг ярмидан кўпи ХДП аъзоси.

Қарши шаҳридаги Қарлик-Богот маҳалласида эллик саккиз ёшли Гулчехра опа Примкулова деган

аёл яшайди. Йигирма йил мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Илми, қобил фарзандларни улғайтириб, элга қўшган. Кейин тадбиркорликка қўл уриб, Қарши каштадўзлиги довуғини ёйди, кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ташландиқ жойда «Наврўз» чойхонасини қуриб берди. Хизматларини давлатимиз «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирлади. Опа 2008 йилдан ЎзХДП аъзоси сифатида бутун куч-ғайратини эл топширган ишга сарфлайпти. Ўтган сайловда Қарлик-Богот маҳалла фуқаролар йиғини раислигига яна сайланган Гулчехра опа Примкулова шундай дейди:

— Маҳалламизда 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳил, тотув, бир оиламиз. Савобталаб инсонлар, саховатли хомийларга раҳмат. Уларнинг кўмагида кўпгина хайри ишларни амалга ошираётимиз. Муҳтож кишиларга имкон қадар кўмаклашяпмиз. Ўзимга келсам, одамларга нафим тегатгани, кўплаб шогирдларим борлигидан суюнаман.

— Бизнинг маҳалламизда эса 5600 киши истиқомат қилади, — дейди Араловул маҳалла фуқаролар йиғини раиси, партиямиздан Қарши шаҳар Кенгаши депутати Муборак Элмуродова. — Шаҳар четидидаги қишлоқ қўшилган, айрим муаммолар пайдо бўлди. Уларни ечишда шаҳар ҳокимлиги ёрдами аямаяпти. Аммо қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Шундай бир вазиятда маҳалладошларим ишонч билдириб, яна раисликка сайланди. Тўғриси айтсам, шаҳар Кенгашидаги депутатлик гурӯҳи, депутат партиядошларим ёрдами билан бир қанча масалаларни ҳал қилишга эришяпмиз.

Ўз меҳнати билан эл-юртнинг эътиборини қозонган бу партиядошларимизнинг фикр-мулоҳазаларини шарҳлашга ҳоҳат йўқ.

Партиянинг обрўси фақатгина аъзоларининг сонига боғлиқ эмас. Энг асосийси, партияга баҳо берадиган, сайловларда қўллаб-қувватлайдиган хайрихоҳлар, электорат умид-ишончини оқлашда, мақсад сари қатъият билан ҳаракат қилишда.

Улкан ҳудудга эга Чироқчи туманининг бир чеккасида Хайитқўл, Қирғиз, Уймутов деган қишлоқлар бор. Одамлари бир сўзли, ниҳоятда меҳнатқаш. Туманда сабзавотдан энг юқори ҳосил ҳам шу қишлоқларда олинади. Шу жойда яшаётган Саидмурод Мухаммадиев аслида тарих фани ўқитувчиси. Ўттиз йил мактабда ишлаган, раҳбар ҳам бўлган. Уч галдан буюн ҳамқишлоқлари оқсоқолликка сайлаб келишяпти.

— Қишлоқларимизда саккиз мингдан зиёд аҳоли яшайди — дейди Уймутов қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Саидмурод ака Мухаммадиев. — Давлат томонидан яратилган имкониятлар, одамларнинг ташаббускорлиги билан ижтимоий масалалар ҳал этилмоқда, ҳудудимиз обод бўлмоқда. Тўғри, муаммоларимиз бор. Газлаштириш, бир километр жойни асфальтлаш ва бошқа юмушлар ХДПдан сайланган туман Кенгаши депутати Шоназар Жовлиевнинг югуриб-елмиши билан амалга ошяпти. Депутатимизнинг жонқурлигига қараб, бошқа партиядошларининг ҳам фаолиятини кузатиб, хайри ишларининг гувоҳи бўлиб одамлар ўз-ўзидан ХДПга хайрихоҳ бўлишмоқда...

Булар — партиядошларимиз, фаолларимизнинг ибратли ишларидан айрим мисоллар, айрим фикрлар. Дарё томчилардек мисоллар. Кучга кирган Конституциявий қонун барча партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизациялаш жараёнида тенг иштирок этишини таъминлайди. Одамлар маҳаллаларда, чойхоналар, гузарларда ўз тақдирларига дахлдор воқеаларни таҳлил қилверяшди. Кимнинг қандай ишлайгани, нималар учун жон қуйдираётгани улар яхши билишди.


Ўз номи билан бу — ҳаёт. Унинг ўзига яраша қувончлари, ташвишлари бор. Лекин, кексалар айтганидек, одамлар бир-бирини қўллаб-қувватласа, юртда барака, элда тўкин-сочинлик бўлади.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Байрам тўхфаси

Мустақилликнинг 18 йиллик қутлуг тўғри арафасида Каттақўрғон туманининг Сувоибори қўрғончаси аҳолиси учун муносиб тўхфа ҳозирланди. Гап шундаки, бу ердаги «Номоз полвон» маҳалласининг 400 нафарга яқин ёшлари янги ўқув йилидан бошлаб барча шароитлар муҳайё этилган замонавий мактабда таълим олади-ган бўдилар. Лойиҳа қиймати 441 млн. сўм бўлган иншоотни махсус механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари тез ва сифатли бажаришди. Айни кулларда, мактабни ўқув лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, теварак-атрофини ободлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга ошириляпти.

СУВОИБОРИ ҚўРҒОНЧАСИДА ҳам мактаб, ҳам коллеж қуриб битказилди



— Эски 42-сонли мактабимиз 1958 йили қурилган бўлиб, талабга жавоб бермайдиган, кўрimsиз бинолардан эди, — дейди мактаб директори Тошбиби Ражабова. — Дастлаб бу маскан сувоибори иншооти учун лаборатория вазифасини ўтаган. Биз бу кунни 50 йил кутганимиз. Ўзим ҳам шу мактабда ўқиганман. Олий ўқув юртини тугатган, она қишлоғимга қайтиб, мактабда ишни кутубхоначиликдан бошладим. Шунга ҳам 32 йил бўлибди. Сўнгги 14 йилдан бери мактаб директориман. Янги мактаб қурилиши сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилганимиз ҳам мутахассислар келиши, шароитимизни кўриб, мактабни дастурга киритишди. Мустақилликнинг 18 йиллиги арафасида қишлоғимизда ҳам шаҳардагидан қилинмайдиган, замонавий, барча қулайликка эга бўлган мактаб қад ростлади. Бу бизга энг катта совға. Энди хурсандчилигимизнинг чеки йўқ. Янги мактабимизнинг синфхоналари кенг ва ёруғ, физика, кимё хоналари жиҳозланган. Компьютер синфини айтимайсизми, ҳали бунақасини наинки қишлоғимиз урувиёйлари, ёшларимиз ҳам қуришмаган. Туман марказидан олисдаги қишлоқ ёшлари учун шундай қулайлик, шароит яратиб берганили учун Президентимиздан миннатдоримиз. Мактаб қурилишида яқиндан ёрдам берган барча кишиларга раҳмат

айтаимиз. — Катта спорт залини қўрган кишининг кўзи қувнайди, энди қишлоқ ёшлари, ўғил-қизларимиз ҳам ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, спорт билан шуғулланишлариға имконият яратилди, — дейди ўқитувчи Гулнора Болтаева. — Мактаб қурилиши бошлангандан иборат 4 та гуруҳ ташкил этиб, қурувчиларга яқиндан ёрдам бердик. Ишонсангиз, қўрғончадаги 540 та оиланинг 6 мингдан зиёд аҳолиси ҳам баҳоли қудрат хашарда иштирок этишди. 23 йилдан бери шу мактабда рус тили ва адабиётдан дарс бераётган бўлсам, мукамал шароитдаги мактабда ишлагани озу қилганимиз. Мустақиллик тўғрисидаги маълумотлар олисдаги қишлоқ ёшлари учун шундай қулайлик, шароит яратиб берганили учун Президентимиздан миннатдоримиз. Мактаб қурилишида яқиндан ёрдам берган барча кишиларга раҳмат

қўрғон транспорт ва сервис касб-хунар коллежи ҳам қуриб битказилди. 3 қаватли замонавий таълим маскани «Булқоқбоши», «Номоз полвон», «Янги ҳаёт», «Омонбой» ҚФЙларига қарашли маҳаллалар ҳамда қўшни Нуробод туманининг 500 нафардан ортиқ ёшлари 6 йўналиш бўйича касб сирларини эгаллашди.

— Коллеж қурилишида 2 млрд. 588 млн. сўмлик иш бажарилди, — дейди механизациялашган кўчма жамланма бошлиғи ўринбосари Зариф Тошев. — 150-200 нафар қурувчиларнинг меҳнати махсули боис, иншоот мuddатида олдин қуриб битказилди.

— Илгари фарзандларимиз 20 километр йўл босиб туман марказидagi коллежларга қатнар эди, энди қишлоғимизнинг ўзидa мутахассисликка эга бўлиш имконияти яратилди, — дейди қишлоқ фаоли Иўлдош бобо Холиков. — Кўркам, мухташам кошона ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Компьютер хоналари, лингафон, махсус жиҳозланган фан хоналари яқин-яқинда эришиб бўлмайдиган оруз эди-да. Мустақилликнинг 18 йиллиги олдидан тўхфа этилган иккита таълим даргоҳида келажакда мамлакатимиз тараққиёти, эл осийиштлиги, юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилдиган забардаст йигит-қизлар етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«БИЗНИ ПАРТИЯМИЗ ҒОЯЛАРИ БИРЛАШТИРАДИ»

Ишчи-ходимларнинг самарали меҳнат қилиши, дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Уларнинг ижтимоий ҳимояси биз учун доим биринчи масала ҳисобланади. Айни пайтда ходимларимизнинг фарзандлари ёғи дам олиш масканларида хордиқ чиқариб, соғилқларини мустаҳкамламоқда. Партиямиз Юнусобод туман кенгаши билан мустаҳкам алоқада. Сиёсий ва фуқаролик маърифати ўқувлари, ижтимоий фаолиятни оширишга қаратилган ҳамкорликдаги тадбирларимиз, айниқса, фойдаланиб келимоқда.

Автобусларни таъмирлаш устaxonасида корхона ҳуқуқносии, бошланғич партия ташкилотини раисчи ўринбосари Отабек Шодидоев ишчиларнинг бўш вақтларида улар билан сайлов қонунчилиги, унга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар хусусида сўхбатлашяётган экан.

— Биласизми, жамoадолларимда мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган сиёсий жараёнларга қизиқиш жуда катта, — дейди у. — Шунинг учун тез-тез шундай сўхбатлар ўтказиб тураимиз. Партиямиз ғоялари, мафкураси, олиб бораётган ишлари, парламентдаги фракциянинг фаолияти ҳақида ҳам гапириб бераман. Бу йўналишдаги ишларни янада чуқурроқ олиб бориш мақсадида яқинда дўстларим билан бошланғич ташкилот қошида «Ёш сиёсатчи» клубини ташкил этиш ташаббуси билан чиқдик. Партиямиз туман кенгаши ва корхона раҳбарияти интилишимизни астойдил қўллаб-қувватлади. Айни кунларда клуб маъшулотлари дастури, иш режаларини ишлаб чиқяптимиз.

— Мана бу йигит Омонулла Фатхуллов, таъмирлаш бўйича етакчи мутахассис, — дейди сўзида давом этаркан, Отабек рўпарада турган ёш устага ишора қилиб. — Яқинда сафимизга қўшилди.

Биз Омонуллани сўхбатга тортидик. — Сиз нима сабабдан Ўзбекистон ХДП сафига киришни хоҳлайдингиз?

— Фикрларим, ғояларим шу партия Дастурига жуда ҳамоҳанг, — дейди у вақтинчалик билан. — Унда белгиланган вазифалар амалга ошса, партия электоратини ташкил этувчи ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларнинг турмуши фаровонлашадиган. Шу сабабли ҳам мен ХДПни тандадим. Бошланғич ташкилот атрофида жипслаган ҳамкасбларимни партиямизнинг ғоялари бирлаштиради.

— Бунда партия фаоллари олиб бораётган ишларга кўп нарсa боғлиқ, — сўхбатта қўшилди наватчи уста Фахриддин Эрматов. — Дастурда илгари сурилган ғояларни ҳаётда амалга ошириш одамларда сиёсий партияга ишончини кучайтиради. Партиямиз фаолларининг фаолияти, кўтарайтган ташаббусларини кўриб-билб тургани учун ҳам жамoамизда ЎзХДПнинг хайрихоҳлари жуда кўп.

Ишчи ва ходимлар билан сўхбат чоғида билдикки, улар бировнинг қаттиқ ундоши билан эмас, ўзлари, онгли равишда партияни қўллаб-қувватлашмоқда. Шу боис, партиямиз ғояларини амалга ошириш, кенг тарғиб этиш юзасидан ҳам уларнинг тақлифлари, ташаббуслари кўп экан...

Бехзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ахборот МАҚАЛЛА МАСЛАҲАТЧИСИ

Бугун унинг фаолияти қайси мезонлар билан баҳоланади, зиймасига қандай вазифалар юклаган?

Жиззаҳ шаҳридаги «Ҳамзаобод» маҳалласида маҳалла раисларининг маънавий, диний-маърифий ишлари бўйича маслаҳатчилари қўриқ-танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги мавжуд 33 та маҳалла раисларининг маслаҳатчилари қатнашди ва юқоридagi саволларга атрофлича жавоб беришга уриндилар.

— Қўриқ-танлов қизиқarli ва фойдали бўлди, — дейди «Маҳалла» жағғармаси шахар бўлини раҳбари Меҳри Умарова. — Маслаҳатчилар ўзларининг маҳаллалари ҳаёти, ўзига хос жиҳатлари, урф-ода ва қадриятлар, меҳр-оқибат, хотин-қизлар ҳамда ёшлар билан ишлаш, оқсоқоллик ва фаровон турмуш таъминлаш бўйича фикр ва тажрибалар алмашдилар, тақлифлар, тасвиялар билдирдилар.

— Қўриқ-танлов натижаларига кўра «Ҳамзаобод» маҳалласи раисининг маънавий, диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси Лола Раззоқова қўлиб, деб топилди ҳамда «Фахрий ёрлик» ва кимматбахо совға билан тақдирланди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ

Пленум муҳокамасига қиритилган «Фирибгарлик» ка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги қарор лойиҳаси шу мақсадда тайёрланди. Фирибгарлик — иқтисодийёт соҳасидаги жиноят шаклидaн бири бўлиб, алдaш ёки ишончини сунистеъмом қилиш орқали ўзганинг мулкчи ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга қиритишдир. Бозор иқтисодиёти шароитида бу каби жиноятларнинг кенгаётгани ва турлича тус олиш тенденцияси кузатилмоқда. Фирибгарлик жинояти судлар томонидан қўриладиган жиноят ишлари ичида салмоқли ўринни эгаллаётгани шундан далoлат. Бундай жиноят ишларини судларда қўриш жараёнида баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Зеро, фирибгарлик жиноятининг янги қўрнини ва усуллари юзга келганлиги уларга мантйиқ, назарий ва қонун нуқтаи назаридан адолатли баҳо беришда судларга тушунтириш бериш заруратини туғдирди.

Олий суд томонидан республикамиз миқёсида ушбу тоифадаги ишларни қўриб чиқиш амалиёти умумлаштирилиб, урганиб қилганда тергов идоралари ва судлар фаолиятида фирибгарлик жиноятининг объектив ва субъектив томонларига баҳо бериш, фирибгарлик жиноятини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлари бажармасликлдан фарқлаш, қилишини квалификация қилиш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани маълум бўлди.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда «Фирибгарлик» ка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги қарор лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди ва тегишли қарор қабул қилинди. Уни қабул қилишдан қўланган мақсад — қонун меъёрларини аниқ ва бехато қўллашда судларга тушунтириш беришдан иборат.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҚУЛАЙЛИК

Мамлакатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» деб номланган асаридa инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган асосий вазифаларга тўхталди, «жаҳон бозоридa талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишда гоят муҳим аҳамиятга эга» эканлиги алоҳида таъкидланган. 2009 йил 27 январдаги «2009 йилда санoат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарор бу борадаги амалий вазифаларни белгилаб берди, десак, хато бўлмайди.

— Президентимизнинг ушбу қарорига мувофиқ 2011 йилгача Наманган вилоятидаги «Узруберонд» МЧЖ, «Наманганмаш» АЖ, «ТЭНСозлик» «Намтерм» молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» деб номланган асаридa инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган асосий вазифаларга тўхталди, «жаҳон бозоридa талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишда гоят муҳим аҳамиятга эга» эканлиги алоҳида таъкидланган. 2009 йил 27 январдаги «2009 йилда санoат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарор бу борадаги амалий вазифаларни белгилаб берди, десак, хато бўлмайди.

Мамлакатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» деб номланган асаридa инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган асосий вазифаларга тўхталди, «жаҳон бозоридa талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишда гоят муҳим аҳамиятга эга» эканлиги алоҳида таъкидланган. 2009 йил 27 январдаги «2009 йилда санoат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарор бу борадаги амалий вазифаларни белгилаб берди, десак, хато бўлмайди.

— Президентимизнинг ушбу қарорига мувофиқ 2011 йилгача Наманган вилоятидаги «Узруберонд» МЧЖ, «Наманганмаш» АЖ, «ТЭНСозлик» «Намтерм» молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» деб номланган асаридa инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган асосий вазифаларга тўхталди, «жаҳон бозоридa талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишда гоят муҳим аҳамиятга эга» эканлиги алоҳида таъкидланган. 2009 йил 27 январдаги «2009 йилда санoат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарор бу борадаги амалий вазифаларни белгилаб берди, десак, хато бўлмайди.

Мамлакатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» деб номланган асаридa инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган асосий вазифаларга тўхталди, «жаҳон бозоридa талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишда гоят муҳим аҳамиятга эга» эканлиги алоҳида таъкидланган. 2009 йил 27 январдаги «2009 йилда санoат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарор бу борадаги амалий вазифаларни белгилаб берди, десак, хато бўлмайди.

Мамлакатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» деб номланган асаридa инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган асосий вазифаларга тўхталди, «жаҳон бозоридa талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишда гоят муҳим аҳамиятга эга» эканлиги алоҳида таъкидланган. 2009 йил 27 январдаги «2009 йилда санoат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарор бу борадаги амалий вазифаларни белгилаб берди, десак, хато бўлмайди.

Бу оилада туғилажак фарзандни орзиқиб кутишар эди. «Ўғил!» дея доялар хушxabар қилишди. Ёш ота-она, қудаларнинг шодлиги бир олам... Аммо... Ичкаридан чиққан врач шошилиб операция хонасига кириб кетди. Негадир шифокорлар бесаранжом, югур-югур қилишарди. «Чақалоқнинг аҳволи оғирлашиб қолди... Иброҳимжонни чақиринг...» бош шифокор кимгадир уқтирарди. Дарҳақиқат, гўдакнинг нафас олиши қийинлашиб борарди.

# «ҚИЛ УСТИДАГИ 40 ДАҚИҚА...»

Эндигина кўзи ёриган ёш она саросимада қолди. Илк бор оналик қалби «болам» дея изтиробга тушди. Зудлик билан чақалоқни тажрибали мутахассислар кўздан кечирдилар. Хали кўз қорачиги бир ерда тўхтамаган, киндиги тушиб улгурмаган болакай, маълум бўлишича, тумма ингичка ичкада ярали энтракалит касали билан дунёга келган экан.



Хамма сукутда, орага оғир жимлик чўкди. Вақт миллири шу қадар секин ўтар, икки оила бошлуклари юрак муҳаббат шифохона ховлисида у ёқдан бу ёққа юришарди.

Иброҳим Умаров учун ҳам бу дақиқалар катта имтиҳон эди. Чунки бундай ўта нозик жаррохлик иши илгарилари Тошкентдаги ихтисослаштирилган тиббий марказларида амалга ошириларди. Фарғоналик шифокорлар эса мамлакатимиздаги етакчи тиббий ассасаларида малака оширган. Мана энди маъсулиятни зиммага оладиган вақт келди. Исмоилжон Жалилов, Абдуқодир Абдуолимов, Содиқжон Исроиловлар Иброҳимжоннинг ёнига киришди. «Йигитлар, дадил бўлинглар, гўдакни асраб қолишимиз шарт!» деди у қатъий оҳангда. Жаррох ёрилиб кетган ярадан чиққан қорин бўшлиғида зардобни тозалади. Ингичка ичкадаги яра жойи топиб кесиб ташлади, ичка яна бир-бирига уланди. Боланинг ҳаёти қил устида эди... Тажрибали жаррох операция жараёнида қил устидаги митти «юрак»нинг тез-тез

уришини кузатарди... Ва ниҳоят қалтис дақиқалар ўтди. 40 дақиқа... Жаррохларнинг юксак маҳорати туфайли гўдак бир текис нафас ола бошлади. Хайрия! Жаррохлар энгил нафас олишди. «У омон қолди... Яшайди!» бир-бирига мамнун боқарди улар.

## Истиклол яратган имконият

— Яшайди, Худо хоҳласа, ҳали узоқ яшайди, — деди Иброҳимжон Умаров операцияни тугатар экан.  
— Агар шифохонамизда зарур мураккаб тиббий техник воситалари етарли бўлмаганида Дамирнинг ҳаётини сақлаб қололмасдик, — дейди И.Умаров.

Дарҳақиқат, вилоят болалар кўп тармоқли тиббий марказига шу йилнинг ўзида 87 миң долларлик замонавий тиббий аппаратуралари келтирилди. Марказнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш ишлари давом эттирилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Тиббий марказида 8 та клиник бўлим, бир кунда 140 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган поликлиника, ташхис қўйиш, физиотерапия ва бошқа бўлимлар мавжуд бўлиб, 2009 йилнинг ўтган даврида 40 миң нафардан зиёд беморга малакали тиббий хизмат кўрсатилди.

Жаррохлик йўналишида тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган болалар ва чақалоқлар жаррохлиги, ортопедия ва ЛОР бўлимларида 1800 дан ортқ мураккаб жаррохлик амалиётлари ўтказилди. Кўпга операциялар мураккаблиги бўйича республика клиник шифохоналарида ўтказилган жаррохлик амалиётлари даражасидир. Беморлар пойтахтдаги марказий клиникаларга овера бўлиб бормай, вилоятнинг ўзида юқори малакали тиббий хизмат олишяпти.

Шифокорларнинг таъкидлашича, вилоят болалар кўп тармоқли тиббий марказига 1 йилда 602 нафарга яқин бемор нафас йўлларида, 30 нафарга яқин бемор эса қизилунгачдаги ёт жисмлар билан мурожаат қилишган. Ўз вақтида малакали тиббий хизмат кўрсатилиб, бронхоскопия ва эзофагоскопия муолажалари ўтказилган, болалар соғайиб ўз оиласи бағрига қайтган.

— Тўғриси, аниқ ташхис — ярим даво, деган ибора бор. Марказда эса тўлиқ клиник — биохимик ва функционал текширувлар ўтказиш учун етарли имкониятлар яратилган, — дейди марказ бош шифокори Саодат Раҳматуллаева. Беихтиёр уйга толасан киши: яқин ўтмишда замонавий тиббий ускуналар, шифокорлар малакаси етишмаслиги сабабли қанча гўдакларни асраб қололмаганимиз. Бугун мамлакатимиз тиббий масканларидаги шароит, имконият, шифокорлар билими, тажрибаси бу соҳада ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатиб турибди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири,**  
**Муҳимжон ҚОДИРОВ**  
олган сурат.



## ҚАРИЯЛАР ВА БОЛАЛАР

ҳаж зиёратига юборилмаслиги мумкин

матларига А/Н1Н1 вируси ва бошқа касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва мониторинг қилиб бориш ишларини кучайтиришни уқтирди. Бандан ташқари, ҳар бир давлат аҳолини вирусга қарши эмлаш юзасидан миллий стратегия ишлаб чиқиши тавсия этилди.

Маълумки, ҳар йили 3 миллионга яқин мусулмон дунёнинг ҳар гўшасидан Макка Мадина шаҳарларига келиб, муқаддас ҳаж зиёратини амалга оширадлар. Бу йил эса айрим давлатлар А/Н1Н1 вируси кенг тарқалаётгани боис ҳозирданқоғ айрим чекловларни жорий этди.

Маълумотларга қараганда, 14 июль ҳолатига кўра, дунёда А/Н1Н1 вирусига чалинганлар сони 113 миң 507 кишини ташкил этган, шундан 549 нафари ҳаётдан кўз юмган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан араб давлатлари соғлиқни сақлаш вазирлари иштирокида Қоҳира шаҳрида ўтказилган давлатларда мажлисида А/Н1Н1 вируси дунё бўйлаб кенг тарқалиб бораётгани боис жорий йилнинг ноябрь ойида бошланадиган ҳаж зиёратига 65 ёшдан ошган қариялар ва 12 ёшга тўлмаган болалар ҳамда сурункали касаллик аломатлари мавжуд кишиларнинг боришини тақиқлаш тўғрисидаги тақлиф ўртага ташланди.

Мисрнинг «МЕНА» ахборот агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

ЖССТнинг худудий комиссияси, шунингдек, Яқин Шарқ давлатлари ҳуку-

## МУЗОКАРАЛАРНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ ҲАМ САМАРАСИЗ ЯҚУНЛАНДИ

Гондурасдаги сиёсий инқирозни бартараф этиш, тахтдан ағдарилган Мануэл Селай тарафдорлари билан янги ҳокимият тарафдорларини муросага келтириш юзасидан Коста-Рика пойтахти Сан-Хоседа Коста-Рика президенти Оскар Ариас ташаббускорлигида ўтказилган музокараларнинг иккинчи bosқичи ҳам са-



марасис яқунланди.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, музокараларнинг биринчи bosқичи 19 июлда, иккинчиси эса 22 июлда бўлиб ўтди.

Оскар Ариаснинг айтишича, эндиликда ушбу муаммо билан Америка давлатлари ташкилоти, керак бўлса, БМТ Хавфсизлик Кенгаши шугулланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Гондураснинг sobиқ президенти Мануэл Селай АҚШ президенти Барак Обамага мактуб йўллаб, 28 июнда давлат тўнтарошини амалга оширган янги ҳокимиятга нисбатан иқтисодий қоралар қўллашни сўради.


Аввалроқ Еврокомиссия Гондурасдаги сиёсий инқирозни юмшатиш учун ажратилиш керак бўлган 65,5 миллион евро мақдоридаги навабатдаги транш маблағини «музлатиб» қўйди. Бундан ташқари, агар музокаралар самара бермаса Европа Иттифоқи Гондураснинг оқоғоний янги ҳокимиятга нисбатан янги санкциялар қўллаши мумкинлиги ҳақида оғохлантдири.

## 7,5 ТОННА КОКАИН МУСОДАРА ЭТИЛДИ

Мексика ҳарбий денгиз флоти вакиллари Тинч океанида тезкор равишда икки катерни қўлга олди. Унинг бортида 7,5 тонна кокаин бор экан. Бу ҳақда Мексика ҳарбий денгиз кучлари штаби маълум қилди.

Икки катернинг 5 нафар экипажи (уларнинг уч нафари мексикалик, икки нафари Колумбия фуқароси) ҳозир Мексика бош прокуратураси ихтиёрига топширилган. Айни пайтда тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Маълумотларга қараганда, Мексика



кирғоқларини ювиб турувчи денгиз акваторияси гиёҳванд моддаларни АҚШга етказувчи асосий йўлак ҳисобланади. Мутахассислар фикрича, ҳар йили 40 миллиард долларлик гиёҳванд моддалар айланган шундан йўлакдан ноконуний йўллар билан АҚШга етказилади.

## ҚАҲВА ЭКСТРАКТИ ОГИЗ БЎШЛИГИНИНГ «ДЕЗОДОРАНТ»И

Исроиллик олимлар қаҳва экстракти (кимёвий йўл билан олиналган модда) оғиз бўшлиғининг «дезодорант»и бўлиб хизмат қилишини аниқлашди.

Тел-Авив университети вакили Мэл Розенбергнинг айтишича, қайнатилган қаҳва оғиз бўшлиғида галитоз (ёқимсиз хид)ни кўзгатади, негаки, у оғиздаги шиллик пардаларни

куритади. Айниқса, бу сут қўшилган қаҳвада кўпроқ билинади.

Аммо қаҳва экстракти эса аксинча таъсир этаркан. Яъни оғиз бўшлиғи сулакларининг ёқимсиз хидни газ ишлаб чиқарувчи бактерияларини камайтиради.

Розенберг бошчилигидаги тадқиқотчилар идишдаги сулакка қаҳва экстракти қўшиб, сулакдаги микроор-

ганизмлар ҳаётини кузатдилар. Маълум бўлишича, қаҳва экстракти бактерияларнинг ёқимсиз газ ишлаб чиқаришини 90 фоизга камайтирган.

Эндиликда олимлар қаҳвадан фаол моддани ажратиб олиш ва ундан оғиз бўшлиғи «дезодорант»и ҳамда галитозга қарши дори воситаси яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

## Оғохликка даъват

## Янги корхона ишга тушди

### «ШОФИРКОН ЭКВАТОРИАЛТЕКС»НИНГ «НИ-НИ» МАҲСУЛОТИ

Шамширгирон қишлоғилик Қиём Қўлдошев тошкентлик инвесторлар билан биргаликда «Шофиркон экваториалтекс» маъсулияти чекланган жамиятини тузиб, тукув корхонасини ишга туширди.

— Бу ерда ҳозир Султон Жўра қишлоқ фуқаролар йиғини худудида яшовчи 60 нафарга яқин ёшлар ишлаяпти, — дейди жамият раиси. — Биз мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигига атаб болалар учун кийим-кечақлар ишлаб чиқаряпмиз. «Ни-ни» деб номланган бу маҳсулотлар пахтадан бўлгани учун ички ва ташқи бозорда харидордир ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бу маҳсулотлар эрта-индин Россияга экспорт қилинади.

**Даврон БАҲРОНОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Иқтисодий ва ислохот

Маълумки, мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юқини камайтириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни кечайтган бир пайтда тадбиркорлик субъектларига қўмақлаштириш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

# ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИАТ

Жумладан, Президентимизнинг шу йил 26 январдаги «Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан 2009 йил 1 июлдан бошлаб, сут-гўшт маҳсулотларини саннат кўламида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши, шунингдек, мазкур соҳада фаолият юритувчи микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини 50 фоизга камайтирилган миқдорда тўлаши белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан 2012 йил 1 январгача бўлган даврда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган (жами 15 турда) ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди. Шунингдек, Президентимизнинг жорий йил 29 январдаги «Й-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори янгидан ташкил этилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларининг 2014 йил 1 январгача солиқларнинг барча турлари ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно) тўлаш-

дан озод қилинишини таъминлайди.

Шу йилнинг 19 июнида қабул қилинган Президентнинг «Девор-боп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, 2009 йилнинг 1 июлидан 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда махсус печлар (айланма, туннельсимон ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда замонавий энергияни тежайдиган технологиялар асосида пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар барча турдаги солиқлар, давлат мақсадли жамғармаларига ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди.

Юқоридаги каби қатор имтиёзлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашда муҳим омили бўлаётган Жумладан, 2009 йилги солиқ сиёсати билан бевосита боғлиқ бўлган қарорлар ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида берилмаётган солиқ имтиёзлари натижасида жорий йилда тахминан 146,4 миллиард сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолиши кутилмоқда. Тежаб қилинган маблағ эса фаолиятни янада кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, замонавий техник ва технологик модернизациялашга сарфланади.

Яқинда Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган семинар-йиғилиш юқоридаги каби солиқ имтиёзлари ҳамда қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини солиқ тўловчиларга етказиш ва кенг тарғиб қилишга бағишланди. Унда Ўзбекистон Савдо-саннат палатаси, Марказий банки, Божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги ва ташкилотларнинг маъсۇл ходимлари иштирок этди.

**Ровшон ШОДИЕВ**

# ИСЛОМ ДИНИ ТЕРРОРИЗМНИ ҚОРАЛАЙДИ

Аллоҳ азза ва жалла Куръони каримда бандаларига: «Эй, имон келтирган бандалар! Барчангиз тамонилла тинчлик ва тоат йўлига киринглар...» — деб амр этади (Бақара, 208). Афсуски, ҳозирги кунимизда келиб офият дини бўлиши исломнинг ана шу ҳаётбахш таълимотига пугур етказишга ҳаракат қилинмоқда. Дин, дийнат, виждон, имон каби энг гўзал инсоний фазилатлардан йироқ бўлган кимсалар «тинчлик ва тоат» йўлини унутиб, жаҳолат, разолат, бузғунчилик йўлини танламоқдалар. Афсусланадиган жиҳати шундаки, бу галамис кимсалар ўзларининг бузғунчиликларини ислом дини таълимоти билан хаспўшлашга интилади. Айни дамда бу каби ҳаракатлар ҳақ дин — исломга нисбатан бошқа халқлар ўртасида ноҳолис фикр ва қарашлар уйғотди. Аслида эса ислом дини фирқаларга бўлиниш, терроризм каби жаҳолатга мутлақо қаршидир.

Ислом дини фақат эзгуликни тарғиб этади, ёмонликдан қайтаради. Бу борада ҳадиси шарифларда ҳам аниқ кўрсатмалар берилган: «Мусулмон ким, унинг қўли ва тилидан ҳеч

ким зиён кўрмаган киши»; «Имоннинг афзали сабрли ва бағрикенг бўлишдир». Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло шундай таъкидлайди: «Эй, одам фарзанди, мен зулмини ўзимга ҳаром қилдим ва уни силларнинг ўрталарингизда ҳам ҳаром қилдим, бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар».

Таъкид жоизки, одамларга тилидан-да озор беришдан қайтарилган динимиз инсонлар қонини тўкишни мутлақо тақиқлайди. Ҳатто бир инсон ҳаётини-да азиз санади. Ҳадиси шарифда айтиладики: «Кимки бир кишига тиг кўтарса, Аллоҳнинг фаришталари то ўша тигни қайтариб ўрнига қўймагунча унга лангач айтиб турурлар». Бир кишининг бошқа бир киши жонига қасд қилиши у ёқда турсин, унга тиг ўқалишининг ўзи ҳам уни фаришталарнинг лангачига дучор этиши мумкин экан, бирор жонни ноҳақ ўлдиришнинг жазоси нима бўлади?

Куръони каримда ҳам бундай бузғунчилик қаттиқ қораланади: «Бирон жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қарқочлик қилди) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган каби

дир...» (Моид, 32). Ояти каримада таъкидланганидек, бир солиқ кишининг жонига қасд этиш бутун башари ят жонига қасд этиш билан баробар, жазоси ҳам шу даражада улкан бўлади.

Бугун «Аллоҳнинг амрини бажаряпмиз», дея энг йиртаётган, гараз ниятли фирқалар таркибига кираётган кимсалар наҳот ана шу ояти каримадан бехабар бўлса?

Йўқ, уларнинг нияти, қўлаган мақсади ўзлари даъво қилаётгандек, дин амрларини бажариш эмас, аксинча, нафси аммораларни бурюганини қилиш, амал, бойлик орттиришдир. Улар бу йўлда ҳеч қандай ёвулик, бадиқдорликдан қайтмайдилар.

Терроризм балоси билан юртимиз тинчлигини бузишга, осуда, хотиржам ҳаётимизга раҳна солишга интилаётган қабиҳ ниятли кишилар «соғини ўзидан чиқаришга» ҳаракат қилади. Ўз фарзандларимиз қўли билан бузғунчиликни амалга оширишга уринади. Аксарият ҳолларда ҳали онги тўла шаклланган улгурмаган гўр ёшлар уларнинг асосий қуроли бўлмоқда. Шундай экан, бугун олдимизда

да турган энг асосий вазифа — исломнинг соф таълимотини тушутириш, аслида динилар шунга қасд этиш билан баробар, жазоси ҳам шу даражада улкан бўлади.

Тинчлик, офият, эзгулик дини бўлган ислом дини аслида юқорида келтириб ўтилганидек ҳаётбахш амр ва насихатлардан иборатдир. Ислом дини никоби остида ҳаракат қилаётган турли бузғунчи оқимлар даъволари мазмунан ва моҳиятан муқаддас динимиз таълимотига мутлақо зиддир.

Халифалик давлатини тузиш даъвоси билан чиқиб, бу йўлда беғуноҳ инсонлар қони-

ни тўкаётган, юртимизнинг тинчлигига раҳна солаётган террористик бузғунчи оқимлар аввал ҳам ўз гаразли мақсадларини амалга ошириш учун бир неча бор уриниб кўрдилар. Аммо охир-оқибат Аллоҳнинг газабига, инсонларнинг нафратига дучор бўлиб, йўқликка юз тутдилар. Улар алдов ва ёлғондан, зулмдан иборат бўлган террористик ҳаракатлари билан матонатли халқимизни сира кўрқита олмади. Уларнинг қабиҳ ниятларига асло эришолмайди.

**Мусаффо, бағрикенг ва инсонпарвар ислом дини инсониятни яхши амаллар қилишга, ёмонликлардан сақлашга, сабрли бўлишга чақиради. Биз турли бузғунчи фирқа ва оқимларнинг қақирликларига эмас, динимизнинг ана шу чорловларига амал қилишимиз лозим.**

**Шоҳобиддин МУҲАММАДСОЛИҲ,**  
Анджон вилояти  
Асака шаҳри ва тумани  
бош имом-хатиби.

Тошкент шахрининг 2200 йиллигига

ТАХТАПУЛ — ЁҒОЧ КЎПРИК у ҳақдаги географик, топономик фикрлар

Тошкент — таъриф-таъсифи бутун дунёга кетган жонажон Ўзбекистоннинг пойтахтидир. Бу шаҳар қадим-қадимдан илм-фан ва маданиятнинг бешиги бўлган. Энг муҳими, Буюк ипак йўлида жойлашганлиги билан эътиборлидир. Дунёнинг бутун мамлакатлари бу шаҳарга талпинишган. Савдо-сотик ишлари ривожланган. Шу тўғрисида шаҳар ободонлашган. Сағбон, Чигатой, Қорасарой ҳамда Тахтапул кўчалари ҳар қачонгидан жонланган. Тахтапул кўчаси ана шу кўчалар ичида энг серқатнови бўлган.



Бу кўчанинг бир учи Эски шаҳарда бўлса, бир учи Юнусободга бориб тақаларди. Тошкентнинг тарихий жугрофий харицис ва курилишларида хиёбон ва кўчаларида, анхору ариқларида ҳам улар узра курилган кўприклариди тарихимиз акс этиб турибди. Тахтапул дарвозаси, шу номли кўприк ва Кайковус анхори буларга тимсолдир.

Тахтапул талаффузи форсча бўлиб, икки бўгин сўз қўшилмасидан иборат: тахта (ёғоч), пул (кўприк), яъни «ёғоч кўприк» демакдир. Бошқа маъно ёки тушунчалар билан айтилишига ўрин йўқ. Тахтапул даҳаси тўрсида деврли икки аср мобайнида жуда кўп ёзилган бўлиб, бирортасида ҳам ҳозирга қадар тўлиқ маълумот берилмаган. Энг охириги «Тошкентнинг 12 дарвозаси» сарлаҳасида ёзилган рисолада «Тахта-сират» сўзидан олинган деган тахмин бор деб нотўғри маълумот берилган. Аслида эса «Тахтапул» талаффузи юқорида айтилганидек, ёғоч кўприк деган аниқ ва тугал маънони англатади.

Хўш, «Тахтапул» соддагина сўз экан, нега шу номли мавзе жуда машҳур бўлиб кетган? Сабаби, Тахтапул мавзеси ва кўприги Буюк ипак йўлининг Жанубий Қозогистон йўналишидаги Чимкент, Турбат, Шарофнона, Қозикўрт тоғи, Туркистон, Сайрам, Қорабўлоқ каби жойларни боғловчи асосий тармоқ бўлиб хизмат қилган. Яна шуниси эътиборлики, анхордан ўтишда бошқа кўприк бўлмаган. Тахтапул кўприги атрофи карвонлар учун асосий тўхташ ва кўниш жойига айланган. Ёзги-қишқи чойхоналар, сартарошонлар, қас-собхоналар, новойхоналар, тақачилик устaxonалари, этикдўзлик, мойжувоз ва масжидлар, дўконлар, расталар, тегирмонлар жойлашган.

Тахтапул кўприги тагидан ўтадиган анхор сувининг ҳавзаси 10-30 чақиримгача чўзилган бўлса-да, фақат Тахтапул даҳасида уни Кайковус деб номлангани хайратланарли. 10-20 чақирим нариларда ҳам оқаётган анхор сувини Тахтапулдаги Кайковусдан келди деб айтишди. Демак, Кайковус атамаси ҳам шу Тахтапул мавзесидега турилган. Кайковус атамасининг ҳаммага маълум бўлган Кайковус (қадимги Эрон шоҳи) сўзидан олинганлиги эса бу масканнинг жуда кўна тарихга эгалигидан далолат беради.

Савол туғилди: нега Тахтапул кўпригига ва шу номли мавзеге тарихда шунчалик катта эътибор берилган? Эрамининг бошлариданоқ Юнонистон ҳамда Рим империи-

яси, Эрон-Турк давлатларининг гуржираб ривожланган давридаёқ анхор ва каналларга йирик транспорт кўприклари курилади бошлайди. Бунга қулдорлик даврининг сўниб, феодал даврига ўтишганилиги, савдо-сотик ривожланиб, олисдаги йирик давлатлар билан алоқалар ўрнатилганлиги сабаб бўлган. Чунки 40-50 пулдаб юк ортган карвонлар ихчам ёғоч кўприклардан ўта олмасди. Йириклари йўқ эди. Бунинг устига жамиятнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалиги махсулотларига марказлашган талабнинг ошиши тўғрисидаги ирригацион тармоқларни куришга зарурат сезиларди. Ушунда кўприклар асосан тошдан ва махсус пиширилган гиштдан дўнг-аркасимон қилиб курилар эди (аркасимон кўприк-арочий мост). Шундай кўприкларни оғир юкли арвалар карвонининг босимида бардош бера олар эди. Таъкидлаш жоизки, ўша замонларда назарий ва техник механика фанининг тармоқлари жуда яхши ривожланган эди. Кўприк марказига тушадиган «чўзувчи» оғирлик кучини кирғоқдаги «сиқувчи» кўчларга тенг бўлиб бера оладиган ниҳоятда аниқ ва мукаммал лойиҳалар истеъдодлар томонидан бемалол тузилар эди. Агар мозийга назар солсангиз, йирик иншоотлар, мавзолейлар пештоқи шундай курилганлигини кўра-

сидан Хастимомга бовареришди. Тешик қопқоқ ва Кумлоқ маҳалласидаги Кайковус анхори узра ўтадиган кўприклар ёнида қорамоллар, эшак арава ёки от аравалар учун «кечув»лар 1960 йилларгача сақланиб қолганди.

Шундай қилиб йирик кўприклар курилиши зарурати тараққиётнинг кун тартибидида асосий муаммолардан бирига айланиб қолган эди.

Лекин бирлаштирувчи, мустақамловчи жиҳозлар тақчил бўлиб, металлургия энди атак-чечак қила бошлаган эди. Механиканинг, тепло техниканинг ўрта асрларга келиб, ривожланиши олимларни янги конларни очишга ва металл қозқилар ҳамда курилмаларни кўплаб тайёрлашга шароит туғдира бошлади. Натихада кўприкларга ҳам металл ажратиш имкони туғилган. Ана шундай миҳли ёғоч кўприклардан бири Тахтапул кўприги бўлганлиги ҳақиқатга яқин.

Оқорида зикр қилинган фикрлар Тахтапул кўпригини афсонага айлантирган яғна ва асосий сабаб бўлганлиги ҳам мумкин. Альтернатив сабаб. Таянч мур-



миз. Чунки бундай пештоқларнинг кўтариш кучи 10-20 тонналарга бемалол етарди.

Аммо от-улов транспортининг ривожланиб кетиши бундай кўприклардан фойдаланиш имконини чеклаб қўярди. Чунки оғир карвон арвалари гачи кўприк дош беролса ҳам, ундан ўта олмасдилар — кўприк эгрлиги қиқшиш ва тушишни қийинлаштирар, шу сабабдан кўприклар ёнида албатта «кечув» ташкил қилнар эди. Ҳаттоки, Тахтапул мавзе-

аммоси. Назарий ва техник механика фанларидан маълумки вертикал устун ва вертикал таянч блокига тушадиган оғирлик кучларини кўприкнинг кирғоқдаги таянч пунктларига қўришиш муаммоси энг долзарб масала ҳисобланади. Маълумки, ўрта асрларда ва ундан кейинги даврларда бу масала шундай аниқ ҳал қилинар эдики, ўша вақтда барпо қилинган гишт ёки ганч курилмалардан тикланган масжидлар, кўприклар, гумбазлар, черков ва соборлар ҳозир-

гача мустақам сақланиб келди. Аммо катта юкли оғир карвонлар, йирик арвалар мажмуаси ўтадиган узун кўприкларни бундай механика таъминлай олмасди. Кенг каналлар, анхорлар ҳамда дарёлар устига бундай буюртма — аркасимон кўприк бўлмас эди. Демак, энди устун масаласи ҳал қилиниши зарур бўлиб қолади. Бизнинг иккинчи, альтернатив тарихий тахминимизча, Тахтапул мавзесидеги Кайковус кўпригини ёғоч устунларга ўрнатиб куришга қарор қилинган. Яъни сув сатҳи пасайган ёки тамоман тўхтаган қиш вақтида канал заминида йўғон чинор ёки қайрағоқ устунлари ўрнатилиб, устига горизонтал ёғоч сарровлар ётқизилган. Шундай қилиб ўта йўғон ёғоч устунларга ва устига ётқизилган йўғон ҳодларга нисбат берилиб «ёғоч (тахта), кўприк (пул)» деб юритилган.

Тошкентликларга аниқ маълумки, «Черняевка» мавзеси «Гишт кўприк» деб аталган. Қарияларимиз ҳозир ҳам «Черняевка»га эмас, «Гишт кўприк»га бориб келдим», деб айтишди.

Шундан ҳулоса чиқариладики, «Гишт кўприк»нинг таянч устунлари гиштдан ясалган, Тахтапул кўпригининг таянч устунлари эса йирик ёғоч ҳодлардан барпо қилинган. Шунинг учун «Тахтапул», «Ёғоч кўприк» деб аталган деган ҳулоса чиқади.

Мустақиллик тўғрисида тахтадан қилинган кўприклар ўрнини темир бетон курилмалар эгаллади. Бу кўприк узра ўтадиган тўрт қаторли йўлдан кечаю кундуз автоуловлару автобус, троллейбуслар бетўхтов қатнаб турибди.

Буюк ипак йўлининг чорраҳаларида жойлашган жонажон Тошкентимиз неча асрларни фарбу шарқ, жануб ва шимолдан келувчи карвонлар оқими-га энг тинч ва беҳавотир маскан бўлган. Бу беҳатар қўрғоннинг бағри истиқлол тўғрисида янада кенгайди. Пойтахтимизнинг 2200 йиллик катта тўйига келувчи меҳмонлар замонавий мустақам кўприклардан, кенг ва равоқ йўллардан ўтаверадилар.

Ҳожиакбар АЗИМҲУЖАЕВ, физика-математика фанлари номзоди, Юнус ЗИЁДОВ, фохрий журналист.

ХАЛҚАРО АЭРОКОСМИК МАКТАБ МАШҒУЛОТИ

Халқаро аэрокосмик мактабнинг навбатдаги машғулотларида республикамизнинг турли вилоятлари ўрта мактабларининг юқори синф ўқувчилари, академик лицей ўқувчиларидан 35 нафар ёш танлов асосида қатнашмоқда.

Аэрокосмик мактабнинг янги ўқув машғулотларининг очилиш маросимида мамлакатимизнинг кўнотини тадқиқот қилиш бўйича етакчи олимлари, кўплаб хорижий давлат олимлари аэрофизик ва ядро физикаси мутахассислари маърузалар ўқидилар. Тадбирга космонавт — полковник Солижон Шарипов ташири буюрди. У ўз сўзида ёшларга қарата шундай деди:

— Ўзбекистонга келсам болалик хотираларим ёдимга тушади. Худди сиз сингари «осмоннинг остонасига қадам ташлаган дамларимни ҳажжон билан эслайман, қумсайман.

Бу юрт — фалакиёт илмининг бешиги. Сиз ёшлар келажакда шу юртнинг шаънини қўққа қўтарасизлар. Эро, бу юртда ўзига хос мактаб яратган олимлар кўп. Шу мактабдан қанча-қанча тадқиқотчи олимлар етишиб чиқди, соҳада катта ўзгаришлар қилишяпти.

Космонавтика ўзга бир дунё, машаққатли сомон, ютуқ ўз-ўзидан бўлмайди. Азиз ёшлар, осмоннинг калити — меҳнат, изланиш, интилиш, илмда!

Қанча чукр билимга эга бўлсангиз шунча ўзингизга ишонингиз ортади. Аэрокосмик мактабдаги машғулотларда дастлабки чўққи кўз олдингизда намойён бўлади. Илм ва интилиш, сабр-қаноат, қатъий ирода сизларни шу чўққига элтади!

Мактаб ўқувчиларини суҳбатта тортидик. — Мен Самарқанд шаҳридан келганман, — дейди Мухаммад Абдукаримов. — Келажакда физик олим бўлмоқчиман.

— Мен Тошкент шаҳридан Бекзод Воҳидовман, Тошкент Техника университети қошидаги 5-сонли академик лицейда ўқийман. Уқишда эришган ютуқларим эвазига аэрокосмик мактабга йўлланма олдим. Келгусизга учувчи бўлмоқчиман!

— Мен ҳам Бекзод билан шу лицейда ўқийман, — дейди Абдулла Абдуқодиров. — Келажакдаги орзумим космонавтика билан шуғулланиш.

Дарҳақиқат, аэрокосмик мактаб ўқувчилари 10 кунлик машғулотларда илмий-техник дастур бўлиб 30 соат лекция, 26 соат лаборатория ва амалий машғулотларда ўз билим ва кўникмаларини мустақамлайдилар.

Самда САЙХУН, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЗАЙНИДДИН ТОЖИЕВ ҲАМ ХИТОЙДА

«Пахтакор» жамоасининг моҳир ҳужумчиси Зайниддин Тожиев Хитойга йўл олди. Осиё чемпионлар лигаси ташкил этилганидан бери ўзининг 13 голи билан лиганинг энг яхши тўпурари бўлиб турган Тожиев «Тензин Теда» жамоаси сафига қўшилди. Ҳужумчимиз Хитой чемпионатида олти ой ижара асосида тўп сурадиган бўлди. Пахтакорчилар Осиё чемпионлар лигаси чорак финал учрашувларида жиддий муаммога дуч келиши мумкин. Чунки сал олдинроқ Игнатий Нестеров «Бунёдкор» жамоасига ўтган.

ТЎРТИНЧИ УЧРАШУВДА ДУРАНГ

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U19) Австрияда ташкил этилган йиғин доирасида ўзининг тўртинчи учрашувини ўтказди. Марат Кабаев бошчилик қилаётган жамоамизнинг бу галги рақиби Австрия ҳудудий чемпионатининг яна бир вакили — «Вюрмла» жамоаси бўлди. Вакилларимиз учрашувнинг 3-дақиқасидеъ гол ўтказиб юбордилар.

Иккинчи бўлимда ташбўсуни тўлалигича ўз қўлига олган терма жамоамиз 62-дақиқада захирадан майдонга туширилган «Сўдйёна» ҳужумчиси Сардор Рашидовнинг аниқ зарбасидан сўнг ҳисобни тенглаштирдилар. Голдан сўнг ёшларимиз ҳисобни олдинга чиқиб олиш учун бир қатор имкониятларни юзага келтиришди. Аммо Мирзозид Жалолов ва Сардор Рашидов имкониятдан фойдалана олмади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Австрия йиғинидеъ сўнгги назорат учрашувини кеча ўтказди. Йиғин шу билан ўз ниҳоясига етди.

Темур АЪЗАМ

ЖАМҒАРМАНИНГ СОВҒАСИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилояти филиали томонидан 12 та ёзги оромгоҳга 16,2 миллион сўмлик спорт анжомлари совға қилинди.

— Бу ҳозирги таътил кунларида ўғил-қизларимизнинг жисмоний чиниқиб, марокли дам олишида асқотади, — дейди жамғарма филиали ижрокчи директори Исмоил Мирзаев. — Қолаверса, оромгоҳларда бўлиб ўтаётган спорт мусобақаларининг оммавий ва мазмунли ўтишини ҳам таъминлайди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ТИИМСХ «Гидромелиорация» факультетини 1976 йилда битирганлар диққатига!

Курсдошлар учрашуви Гидромелиорация факультетида 15 август соат 15.00 да ўтказилади. Маълумот учун телефонлар: 265-86-41, 702-14-15, 256-57-97, 390-59-42

Мирзо Жулбақ номдаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети жамоаси меҳнат фохрийси, таникли олим

Тоҳир ПИДАЕВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чукр таъзия билдиради.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ўзбекистон ХДП Муборак туман Кенгаши раиси Алиме Парпиевага ўғли ШЕРЗОДнинг вафоти муносабати билан чукр таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ҳузуридаги имтиҳон олиш ва қайд қилиш бўлими жамоаси милиция капитани Баҳодир ХОЛБОВЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукр таъзия изхор этади.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

- Partiya hayoti 233-10-13, Madaniyat va sport 233-69-45, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56, Reklama va e'lonlar 233-38-55, Mas'ul kotib 233-72-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda 25-32-70, Buxoroda 223-06-02, Gulistonda 25-46-45, Jizzaxda 227-48-35, Navoiyda 223-83-73, Namanganda 226-43-43, Nukusda 222-77-21, Samarqandda 35-02-55, Urganchda 517-30-58, Farg'onada 224-18-78, Denovda 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshaba, payshanba va shamba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi matbaalarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 21.10 Topshirilgan vaqti — 00.20 1 2 4 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda

Иддео МАСАЛА ОЙДИНЛАШГУНЧА...

Троллейбуснинг олдинги ўриндиғида кўринишидан от хурқадиган, оппоқ кўйлагига қоп-қора бўйинбоғ таққан салобатли киши ўтирарди. Чиптачи ҳар бир йўловчи рўпарасида тўхтаб, йўл ҳақи олаётган-ди. Навбат унга келганида викор билан:

— Меники «проездной», — деди. — Кўрсатинг, — деб илтимос қилди чиптачи. — Нима, ишонмайсизми?! — деб калондимоглик билан жавоб қилди у. — Биласизми, мен қаерда ишлайман?

— Менга фарқи йўқ, чиптангизни кўрсам бўлди. — Кўпчилик олдида шаънини ерга уряспиз, бу мени ҳақоратлаш билан баробар.

Хуллас, униёи у деди, буниси бу. Даҳанакки «жанг»га бошқа йўловчилар ва ҳайдовчи ҳам аралашгандан сўнгини масала ойдинлашди. Фаввога сабабчи бўлган йўловчи ҳали ҳам эгардан тушмаган ҳолда «проездной»ни эсидан чиқариб қолдирганини тан олди. Лекин масала ойдинлашгунча нечта одамнинг асаби таранглашди, ҳайдовчи асосий ишидан қалбиги, жадвал бўйича ҳаракат меъёрини бузди. Қолаверса, ёлғон гапирган кишининг ўзи ҳам уялиб қолди. У йўлиқирани тўлаётганида бир қизариб, бир бўзарди.

Абдунаби МАННОПОВ

Қинғир иш

Тадбиркорлик учун қатор имтиёзлар яратилган. Афсуски, бундай имкониятлардан фойдаланиб, ҳалол меҳнат қилиш ўрнига қонунни четлаб ўтишга уринувчи «уддабуронлар» учраб туради.

11 МИЛЛИОН СЎМЛИК CD, DVD ДИСКЛАР далилий ашё сифатида олиб қўйилди

Тошкентнинг Қатортол кўчасида жойлашган «Роз трейдинг» савдо мажмуасида CD ва DVD дисклар билан савдо қилувчи дўконлар бор. Уларнинг савдо қоидаларига амал қилиши урганилганида савдо қилиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмаганлиги, солиқлар тўланмасдан фаолият юри-тилаётганлиги аниқланди. Ҳатто, мазкур дўконларда назорат-касса машинасидан ҳам фойдаланилмас экан. Текширув жараёнида умумий қиймати 11 миллион сўмга яқин ҳар хил мазмундаги CD ва DVD дисклар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Шунингдек, ширинликлар савдоси билан шуғулланувчи дўконда ҳам тегишли ҳужжатларсиз фаолият

юритаётган тадбиркорнинг ноқонуний ҳаракати фох этилди.

Холатлар юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Шу ўринда тўланаётган ҳар бир солиқнинг мамлакатимиз инфратузилмасини ривожлантиришга, нафақа, мактаб, мактабгача таълим муассасалари ходимларининг ойлик маошларига, тиббиёт соҳасини такомиллаштириш каби кўплаб хайрли мақсадларга йўналтирилишини эслатиб ўтиш жоиз. Эро, солиқдан қочиш, мавжуд савдо қоидаларини бузиш бюджет маблағлари ҳисобидан ойлик, нафақа ва стипендия олувчилар ҳақиқа хиёнат қилиш ҳисобланади.

Муниса МАҲҚАМОВА, Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати бош мутахассиси.